Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 12 июль 1968 йил, жума ◆ № 161 (14.023). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

Коммунистик партия идеология ишига ҳамиша жуда катта аҳамият бериб келмоқда, коммунистларни ва барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни ўз фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми деб билмоқда. Партиямизнинг XXIII съезди идеология иши партиянинг, барча коммунистларнинг энг муҳим иши эканлигини уқтириб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми партиянинг ғоявий-тарбиявий фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XII пленуми республика партия ташкилотларининг КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш борасидаги ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва бу соҳада тўпланган тажрибаларни умумлаштирди, ғалдаги вазифаларни конкрет, бирма-бир кўрсатиб берди. Пленум коммунистларни ва барча меҳнаткашларни марксча-ленинча назария билан қуроллантириш, ғоявий-сиёсий ишлар даражасини янада юксакликка кўтаришни партиявий ишларнинг асосий негизи деб белгиласди.

Республикамиз партия ташкилотлари бутун кучларини КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш учун курашга, коммунистлар ҳамда барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга сафарбар этмоқдалар. Идеология ишининг мазмуни тобора чуқурлашмоқда, унинг форма ва методлари такомиллашмоқда. Оммага таъсир кўрсатишнинг асосий воситалари бўлган пропаганда, сиёсий агитация, маданий-оқартув муассасалари, оммавий спорт ишларидан, матбуот, радио, телевидениедан кенг фойдаланилмоқда.

Меҳнаткашларни юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш ишига раҳбар партия, совет ходимлари, пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар билан бир қаторда фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, бошқа соҳаларнинг малакали мутахассислари тобора актив қатнашаётганликлари диққатга сазовордир. Республикамиз зиёлиларининг асосий кўпчилиги ана шу шарафли ишни давр, замон талаблари даражасига кўтариш йўлида катта ҳисса қўшаётганликлари ларнинг ўз бурчларини юксак англаганликларини кўрсатади.

Идеология ишининг энг муҳим звеноларидан бири партия ўқувидир. Коммунистлар ва партиясизларнинг марксча-ленинча назариясининг бой мероси билан қуроллантиришга, уларда коммунистик дунёқарашни чуқурлаштиришга хизмат қилаётган партия ўқуви системаси соҳасида бой тажриба тўпланди. КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмасига мувофиқ бундан уч йил илгари республикамиз партия ташкилотлари партия ўқувининг янги, тагин ҳам мақбул системасини жорий қилган эдилар. Бу система ижобий натижалар бермоқда. Ана шундан кейинги ўтган вақт ичида республикамизда 185 минг киши бошланғич сиёсий мактабни тамомлади. Уларнинг кўпчилиги ўқишнинг ўрта звеносига кўчирилди. Марксизм-ленинизм асослари мактабларида тингловчилар сони 2,5 баравар ошди, 11 мингдан ортиқ коммунист марксизм-ленинизм университетлари ва партия активи мактабларини тамомлади. Бу ютуқлар партия комитетлари сиёсий ўқишни ташкил этиш ва мазмунини яхшилашга, пропагандист кадрлар тайёрлаш ва уларни тарбиялашга эътиборни кучайтирганликларини кўрсатади.

Лекин шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, баъзи партия комитетларининг раҳбарлари коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий билим олиши тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаяптилар, пропагандистлар билан ишлаш, уларнинг назарий тайёргарлиги ва методик маҳоратини оширишга тегишинча эътибор бермаяптилар. Натижада машғулотларни паст савияда ўтказиш фактлари юз берди. Масалан, Қорақалпоғистондаги кўпгина партия ташкилотлари фаолиятида шундан аҳвол мавжуддир. Баъзи партия комитетлари марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганувчиларни эътибордан четда қолдирмоқдалар. Бунга Самарқанд шаҳар партия ташкилотини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари бутун ўқув йили давомида мустақил ўқувчилар билан бирор марта суҳбат ўтказмадилар.

Марксча-ленинча ўқишни ташкил этишдан мақсад — кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришдир. Марксизм-ленинизмни ўрганиш коммунистларнинг революцион позицияда туриб ҳозирги пайтда рўй бераётган янги процесслар ҳамда воқеа-ҳодисаларни тўғри тушунишга ва баҳо бера билишга ёрдам қиладиган воситадир. Ҳар бир коммунист ҳозирги вақтда социализм билан капитализм ўртасидаги ғоявий кураш нақадар кучайганлигини чуқур англаб олиши лозим. Коммунистнинг бурчи жанговар агитатор, назарий жиҳатдан етук ғоявий курашчи бўлишидир.

Партия пропагандаси даражасини янада кўтариш унинг ижтимоий фанлар билан алоқасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Партия пропагандаси тажрибасида ижтимоий фанлар ютуқларидан тўғри, ўз ўрнида фойдалана билиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий фанлар ва партия пропагандаси олдида умумий вазифа — халқни марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялаш вазифаси турганлигини доим эсда тутмоқ зарур. Кейинги йилларда ижтимоий фан соҳасида ишловчи олимлар республикамизда социализм қурилиши тарихий тажрибасига оид йирик асарлар яратдилар. Уларда марксча-ленинча ғоялар тантанаси ҳозирги замон ҳаётининг конкрет мисоллари асосида кўрсатиб берилди. Афсуски, ана шундай қимматли манбалардан партия пропагандасида етарли фойдаланилмаётир.

Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишнинг форма ва методлари хилма-хил бўлиб, бунда доимий ҳаракатдаги лекторийлар, халқ университетлари, коммунистик меҳнат мактаблари ва бошқалар муҳим роль ўйнайди. Ленинги вақтларда ана шу формалар анча жонланди, янги мазмун билан бойиди. Октябрь ўқишлари, ленинча ўқишлар, революция ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, тематик кечалар, саволжавоб кечалари, кинолекторийлар, лекция-концертлар, лекция-экскурсиялар, илмий-назарий конференциялар аҳоли кенг қатламларига ғоявий таъсир кўрсатишнинг мақбул омилларидан бўлиб қолди. Партия комитетлари, «Билим» жамияти ташкилотлари ана шу тўпланган тажрибани мустаҳкамлашлари, бойитишлари ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик даврида улардан янада яхшироқ фойдаланишлари лозим.

Меҳнаткашларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришда оммавий-сиёсий ишларни кенг авж олдириш зарур. Оммавий-сиёсий ишларнинг форма ва методларини мукаммаллаштириш, оммага ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланиш керак. Бунда гап сиёсий агитация, агитколлективлар фаолиятини жонлантириш, сиёсий ахборотчилар ҳамда сиёсий ташкилотчилар ишини тўғри йўлга қўйишдир, газета, журнал, радио, телевидение, адабиёт ва санъатдан тўғри фойдаланиш устида борилади. Тарбиявий ишларнинг янги, таъсирчан формаси сифатида юзага келган сиёсий ахборот масаласи бизда ҳали кенг йўлга қўйилмаган. Баъзи шаҳар ва район партия комитетлари сиёсий ахборот ўтказишнинг аҳамиятига, таъсир кучига етарли баҳо бермаётирлар.

Меҳнаткашлар оммасини ғоявий-сиёсий тарбиялашда клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғлари муҳим роль ўйнайди. Республикамизда намунали маданият ўчоқлари кўп. Узбекистондаги 53 клубга «Аълочи клуб» деган фахрли ном берилган. Уларнинг тажрибасини кенг оммалаштирса арзийди. Шу билан бирга баъзи партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари клуб ҳамда кутубхоналар ишига менсимай қарамоқдалар. Улар маданий муассасаларда камдан-кам бўладилар, уларнинг иши билан қизиқмайдилар. Бундай ҳолларга чек қўйиш лозим. Раҳбарлар одамларнинг маданий ўсиши, уларнинг маънавий ўсишлари, яхши дам олишларини ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари даркор. Ишчи ва хизматчилар беш кунлик иш ҳафтасига ўтиб, икки кун дам олаётган ҳозирги шароитда меҳнат аҳлининг кўнгилли дам олишини уюштириш айниқса зарур.

Меҳнаткашларда коммунистик дунёқарашни чуқурлаштиришда адабиёт ва санъат асарлари катта роль ўйнайди. Республикамиз ижодий интеллигенцияси совет ва жаҳон маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланамиз. Юксак ғоявий ва бадиий маҳорат билан яратилган асарлар одамларга маънавий озиқа бермоқда, уларни қаҳрамонлик, мардлик, ижодкорликка сафарбар этмоқда. Аммо халқимиз адабиёт ва санъат намояндаларидан совет воқелигини чуқур акс эттирган, коммунизмнинг актив қурувчиси бўлган замондошларимизнинг ажойиб образларини мадҳ этадиган тўлақонли асарлар кутмоқда. Бу вазифани бажаришда ижодий союзлар ва уларнинг партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклатилгандир.

Партия ташкилотлари ғоявий-сиёсий ишларнинг энг муҳим соҳаси бўлган илмий атеистик пропагандаининг таъсирчанлигини ошириш борасида кўп иш қилишлари даркор. Атеистик пропаганда жанговар, ҳужумкор бўлмас экан, илмий ва техникавий ютуқлар замирида олиб борилмас экан, у ҳолда айрим қолоқ, динга ишонувчи кишиларга таъсир ўтказиш қийин. Атеистик пропаганда соҳасида партия ташкилотлари амалга ошираётган ишлар юксак даражада эмас. Бу темада ўқилаётган лекциялар кўпинча мавҳумий бўлиб, конкрет факт ва ҳаётий мисолларга бой эмас.

Идеология ишимизнинг асосий йўналиши жамиятимиз аъзоларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилмоғи керак. «Ишга, курашга фойдаси тегмаса, коммунизмни китобий билиш ҳеч нарсага арзимайди» деган эди В. И. Ленин. Коммунистлар ва партиясизларнинг ғоявий чиниққанлиги фақат меҳнатда ва курашда, бевосита практикада синалади. Одамларнинг меҳнат тарбиясида социалистик мусобақани, унинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат ҳаракатини тўғри ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Янги иқтисодий ислоҳот одамларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда энг қулай шароит яратиб беради. У жамият, коллектив ва шахснинг манфаатини оқилона уйғунлаштиришга имкон бермоқда, меҳнатни тўғри ташкил қилиш учун кенг имкониятлар туғдирмоқда, онгли меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, ишлаб чиқаришни бошқаришда нишларнинг ижодий активлигини ўстирмоқда.

Партия ташкилотлари тарбиявий иш фаолиятининг ажралмас қисмларидан бири интернационал тарбиядир. Биз республикамиз аҳолиси составининг кўп миллатлилиги билан фахрланамиз. Бизнадаги ҳар бир коллектив интернационал оила. Интернационал тарбия соҳасида республикамиз партия ташкилотлари амалга ошираётган тадбирлар миқёси кенгдир. Партия ташкилотларининг бурчи — ҳар бир кишида интернационализм туйғуларини янада барқ урдиришдан, дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам туйғуларини тағин ҳам камол топтиришдан иборат.

Идеология ишини коммунистик қурилишнинг ҳозирги даври вазифалари даражасига, замон, ҳаёт тақозоси даражасидаги юксаклиникга кўтариш республикамиз партия ташкилотларининг жонажон иши, муқаддас бурчидир.

Серқуёш республикамиз ғалланорлари давлатга дон топшириш йиллик планининг муддатидан илгари ошириб бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Бунга ҳамма ғаллакор хўжаликлар ўз ҳиссасини қўшди. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози меҳнатсеварлари ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштиришди. Юқоридаги суратда: илгор комбайнчи Икром Ҳасанов. У ҳар куни 10 тоннадан ошириб дон янчмоқда. Пастдаги суратда эса, Сирдарё областидаги «Дўстлик» дон тайёрлаш пункти тасвирланган.

Қ. Розиқов ва А. Горонкрик фотолари (ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИ ОСТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг навбатдаги мажлисида республикамизнинг енгил саноати корхоналарида техника тараққиёти қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама қилинди. Бу комиссияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин бошчилик қилмоқда. Мажлисда енгил саноат министрининг ўринбосари С. Мақсудов доклад қилди.

Комиссия индустриянинг шу тармоғидаги корхоналар фаолиятининг бир қанча ижобий томонларини қайд қилиб ўтди.

Олий Советнинг доимий комиссияси баъзи корхоналарда техника тараққиёти учун кураш ҳозирги кунининг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бермаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Айрим участкаларда ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ҳали ҳам паст, сермеҳнат жараёнларни, айниқса юк ортиш-туширишларини механизациялаш ва автоматлаштириш суст амалга оширилмоқда. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Узбекистон колхоз ва совхозлари партия XXIII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1965 йил март ва 1966 йил май Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар — ғалла тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар. Давлат омборларига 323 минг тоннадан кўп бошоқли дон экинлари тўкилди — план 165 процент бажарилди. Бу — ўтган йилнинг шу вақтигача тайёрланганидан 280 минг тонна ва энг кўп ҳосил олинган 1964 йилдагига нисбатан 55 минг тонна ортиқдир. Давлатга пландан ташқари харид қилиш йўли билан 141 минг тоннадан кўпроқ буғдой ва арпа сотилди.

1969 йилда ҳосил етиштириш учун уруғлик жамғариб қўйиш плани бажарилди. Колхоз ва совхозларнинг уруғлик фондига 111,5 минг тонна буғдой ва арпа тўкилди. Эҳтиёт ва резерв уруғлик фонди, ем жамғариш тугалланмоқда, шунингдек қарз тариқасида олинган уруғликни топшириш тамомланмоқда.

Республикадаги барча асосий ғалланор областлар ҳосил ўрим-йиғими ва давлатга ғалла топширишни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Самарқанд области давлатга 99,5 минг тонна (планнинг 168,7 процентн миқдорида). Қашқадарё области 83,7 минг тонна ёки 164 процент, Сирдарё области 72,4 минг тонна ёки 132 процент, Тошкент области 36,5 минг тонна ёки 158 процент, Сурхондарё области 13 минг тонна, ёки планнинг 164 процентн миқдорида дон топширди. Фарғона, Андижон, Наманган ва Бухоро областлари ҳам давлатга пландан ташқари дон сотмоқдалар.

Кўп районлар мўл ҳосил етиштирдилар ва дон тайёрлашда юксак кўрсатгичларга эришдилар. Ғаллаорол райони давлатга 39 минг тонна, Зомин райони 34 минг тонна, Чироқчи райони 34 минг тонна, Булунғур, Ғузор, Қамаши ва Пастдарғом районлари 14 минг тоннадан, Урта Чирчиқ райони 13 минг тонна, Юқори Чирчиқ ва Фориш районлари 11 минг тоннадан кўпроқ, Жиззах, Янгиобод ва Каттақўрғон районлари 9 минг тоннадан кўпроқ дон сотиб, планларини анча ошириб бажардилар. Янгийўл, Калинин, Оққўрғон, Еттисой, Иштихон, Косон, Бойсун районлари ва бошқа районлар давлатга икки-уч йиллик план ва бундан ҳам кўпроқ планлар ҳажмида дон топширдилар.

Сирдарё областидаги «Ударник», 1-«Зомин», 2-«Зомин», «Чимқўрғон» ва Тимирязев номли, Самарқанд областидаги 1 «Ғалла орол», 2-«Ғаллаорол», «Улус», «Қорақишлоқ» ва «Каттақўрғон», Тошкент областидаги наслчилик совхози, «Ғаллақудуқ», Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли, «Кўндала», Карл Маркс номли ва «Восход» каби йирик ғалланор совхозлар, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» ва «Коммуна», Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли ва «Победа», Қ. Маши районидаги Ленин номли ва «Коммунизм йўли», Янгиобод районидаги «Ленин учкуни» ва «Коммунизм», Жиззах районидаги Ленин номли ва «Коммунизм» колхозлари ва бошқа хўжаликлар айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Бу хўжаликлар давлатнинг дон сотиш юзасидан берган план-заказини анча ошириб бажардилар, ўзларини уруғлик ва ем билан етарли миқдорда таъминладилар. Бу колхоз ва совхозларнинг кўплари аввалги йилларда гектар бошига 4—5 центнердан ортиқ дон ҳосили олинмаган лалмикор ерларда бу йил гектаридан 11—13 центнер ва бундан ҳам кўпроқ ҳосил олмоқдалар.

Кўп хўжаликлар суғориладиган ерларда рекордли ҳосил олдилар. Сурхондарё областидаги «Ҳазорбоғ» совхози гектар бошига 46 центнер, Хўжаобод районидаги «Победа» колхози 40 центнер, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхоз 39 центнер, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ва Сирдарё областидаги «Малик» совхози 37 центнердан буғдой ва арпа олди. Бу хўжаликлар ва бошқа кўп хўжаликлар донли экинларни йиғиштириб олганларидан кейин ана шу майдонларга силос бостириш учун маккажўхори эндилар ва гектар бошига 300—400 центнердан кўп поя олишни мўлжалламоқдалар.

Бу муваффақиятлар КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами туфайли, колхозчилар совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли, республиканинг барча областлари ва районларида дон хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантириш учун, 1968 йилда етиштириладиган дон миқдорини энг юқори ҳосилли 1964 йилги даражага етказиш учун юриш эълон қилган партия ташкилотларининг кундалик ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли кўлга киритилди.

Узбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва омухта ем саноати министрлигининг тайёрлов пунктлари янги дон ҳосилини қабул қилиб олишни яхшилаштирдилар. Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги автобазаларининг ходимлари, шунингдек Туркистон ҳарбий округининг автомобиль бўлинмалари донни ташиб олишда жуда катта ёрдам бердилар.

Ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлаш давом этмоқда.

Республика шолинорлари ҳам мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Улар шоли экишни ўтган йилдагига нисбатан қарийб бир ой олдин тамомладилар ва шолини ўз вақтида парвариш қилмоқдалар.

Узбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бошоқли дон экинлари ва шолининг бутун ҳосилини қисқа муддатларда ва сифатли ҳолда йиғиштириб олиш, бу йил давлатга камида 40 миллион пуд дон сотиш, ўзларини уруғлик билан тўла таъминлаш ҳамда ем фондларини жамлаб қўйишга қатъий бел боғлаганлар.

А. Н. КОСИГИН ШВЕЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Швеция ҳукуматининг таклифига биноан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин 11 июлда расмий визит билан Москвадан Стокгольмга жўнаб кетди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи билан биргаликда Швецияга Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси Э. Н. Алиханов, Туркманистон ССР Министрлар Советининг раиси М. Гапуров, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, шунингдек СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари Н. Д. Белохвостиков Л. М. Замятин, Ф. Ф. Молочковлар ҳам жўнаб кетдилар.

• • •

СТОКГОЛЬМ, 11 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари Швеция ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан бугун бу ерга келди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ, 10 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш юзасидан партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини кучайтириш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика областлари, район лари, совхозлари ва автоколонналар ўртасида ғалланы ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон топшириш, уруғлик фонди жамғариш ва дон ташиш бўйича социалистик мусобақанинг 1968 йил 11 июлгача бўлган якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областида** (область партия комитетининг секретари **Абдуразоқов**, область ижроия комитетининг раиси **Шайхов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Ли**, область совхозлар трестининг директори **Сотиболдиев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **Мамонтов**, дон маҳсулотлари шаҳар базасининг директори **Баҳромов** ўртоқлар) қолдирилди. Область мавсум бошидан бери ғалла ўрим-йиғими планини 66,1 процент, шу жумладан кейинги беш кун ичида 11,5 процент, давлатга дон сотиш планини 158,5 процент бажарган. Шу жумладан кейинги беш кунликда йиллик планга нисбатан 35,5 процент ғалланы ўриб-йиғиб олган ва 64 процент уруғлик жамғарган.

Кўчма Қизил байроқ Самарқанд областидаги **Булунғур районига** (район партия комитетининг секретари **Ризаев**, район ижроия комитетининг раиси Ҳакимов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Нурматов** ўртоқлар) берилди. Бу район мавсум бошидан бери ғалла ўрим-йиғими планини 76,4 процент, шу жумладан кейинги беш кун ичида 14,1 процент, давлатга дон сотиш планини 254,9 процент бажарган, шу жумладан кейинги беш кун ичида давлатга йиллик планнинг 36,3 процентн миқдорида дон сотган ва уруғлик жамғариш планини 91 процент ado этган. Байроқ Самарқанд областининг Ғаллаорол районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областидаги **«Чимқўрғон» совхозида** (совхоз директори **Месяцев**, партия ташкилотининг секретари **Тўрагелдиев**, ишчилар комитетининг раиси **Агманов** ўртоқлар) қолдирилди. Бу совхоз мавсум бошидан бери 9914 гектар, яъни умумий майдонининг 78,9 процентдаги бошоқли дон экинларини, шу жумладан кейинги 3[illegible] кун ичида 17 процент миқдорида бошоқли дон экиндирия қилиб олган, давлатга дон сотиш планини 22[illegible] процент бажарган, шу жумладан кейинги беш кун ичида давлатга йиллик планнинг 50,1 процентн миқдорида дон сотган ва уруғлик жамғариш планини 81,4 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тош йўллар министрлигининг Самарқанд область «Қорақишлоқ» совхозида ғалла ташишда қатнашаётган 1-автоколоннасига (автоколонна отряд бошлиғи **Дадамухамедов**, партия қиломи секретарининг ўрин[illegible] **Солихов**, маҳаллий комитет ра[illegible] **Эшматов** ўртоқлар) берилди. Бу автоколонна кейинги беш кун ичида ғалла ташиш планини 139,5 процент бажарган ва ҳар битта автомашина иш унумини планга нисбатан [illegible] процентга етказган. Қизил байроқ [illegible] областидаги 2 «Ғаллаорол» со[illegible] ишлаётган 2502-автоколоннада берилди.

Самарқанд областининг [illegible] ўрим-йиғими ва давлатга [illegible] ишлаганлиги [illegible] ишлаганлиги [illegible] ишлаганлиги

ЎЗАРО ИШОНЧ АСОСИДА

Бирлашган Араб Республикасининг президенти, Араб Социалистик Иттифоқининг раиси Жамол Абдил Носир Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 1968 йил 4 июлдан 10 июлгача расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди. Президентга миллат мажлисининг раиси Анвар Садат, Ташқи ишлар министри Маҳмуд Риод, Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи генерал Абдил Монейм Риод ҳамроҳ бўлиб келишди.

Қўшма ахборотда айтилади-ки, президент Носирнинг Москвага қилган визити СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида қарор топган ва муваффақият билан ривожланаётган мустаҳкам дўстона муносабатларнинг ифодаси бўлди.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир Москвада бўлган вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан суҳбатлашди.

Дўстона ва самимий вазиятда, тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар давомида бир қанча масалалар юзасидан рўй-рост фикрлашиб олинди.

Исроилнинг Араб давлатларига қарши агрессияси муносабати билан Яқин Шарқда вужудга келган аҳволга алоҳида эътибор берилди, дейилади ахборотда. Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб республикаси ҳисоблайдиларки, дейилади шу ҳужжатда, Исроилнинг агрессияси Араб давлатлари тараққиётига путур етказишга, араб халқларининг озодлик курашини тўхтатиб қўйишга интилаётган империализм сиёсатининг умумий занжирида яна бир хатарли бўғин бўлди. Томонлар Исроилдан дунёнинг шу районида ўз қуроли сифатида ҳамон фойдаланиб келаётган, Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Иордания ва бошқа араб мамлакатларига қарши янги фитналар ва узлуксиз интеграциялар уюштираётган империалистик кучларнинг сиёсатини кескин қоралайдилар.

Томонлар Яқин Шарқ проблемасини Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси асосида ҳал этиш зарурлигини яна бир марта айтадилар. Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати тинчликни тиклаш тўғрисида гамхўрлик қилиб, мазкур резолюцияни энг яқин вақт ичида бажаришга тайёр эканлигини билдирди ва шу мақсадда муҳим амалий чоралар кўрди. Совет ҳукумати Бирлашган Араб Республикасининг шу масаладаги ташаббусига тегишлича баҳо беради ва уни қўллаб-қувватлайди. Томонлар шунга қаттиқ ишонч билдирдиларки, Исроилнинг ва уни қўллаб-қувватлаётган империалистик кучларнинг 1967 йил июнь ойида араб мамлакатларига қилган ёвузларча ҳужуми натижаларини мустаҳкамлаш йўлидаги уринишлари, албатта, барбод бўлади.

БАР президенти, Араб социалистик Иттифоқининг раиси Ж. А. Носир агрессорга қарши курашда ва агрессия етказган зарарни тугатишда Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикасининг экономикасини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий мадад ва катта амалий ёрдам кўрсатаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва совет халқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. БАР ҳукумати Совет ҳукуматининг Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини ва мустақиллигини ҳимоя қилиб, Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлида кўраётган ташқи сиёсий тадбирларини юксак қадрлайди.

Совет томони араб давлатларининг бирлиги учун курашда БАР ҳукуматининг ва шахсан президент Носирнинг сарфлаётган куч-ғайратига юксак баҳо беради. СССР ҳукумати Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатлари халқларининг Исроил агрессорларига қарши олиб бораётган мардонавор кураши билан совет халқининг тўла бирдам эканлигини яна бир марта билдиради. Агрессияга дучор бўлган араб мамлакатларининг адолатли ишини қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқи бошқа давлатлар билан биргаликда Бирлашган Араб Республикасига ҳар томонлама сиёсий ва иқтисодий мадад ва ёрдам, шунингдек, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмак бериб келди ва бундан кейин ҳам кўмак бераверади.

Томонлар Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизликни тиклаш мақсадида шу райондаги аҳволга оид масалалар юзасидан бундан кейин биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида ўзаро келишиб олдилар.

Ахборотда айтиладики, томонлар ҳозирги халқаро аҳвол, миллий озодлик ҳаракатининг, яқин тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг актуал масалалари юзасидан фикрлашиб олиш давомида энг муҳим халқаро проблемалар хусусида Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси раҳбарларининг қарашлари бир хилда эканлигини мамнуният билан қайд қилиб ўтдилар.

Томонлар империализмга ва унинг малайларига қарши курашни кучайтириш, империалистик кучларнинг агрессив сиёсатига қарши ҳаракат қилиш ҳозирги вақтда тинчликсевар мамлакатлар олдида турган асосий вазифадир, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси қаҳрамон Вьетнам халқи билан ўзларининг тўла бирдам эканликларини билдирадилар. АҚШнинг Вьетнамдаги қуролли агрессиясини кескин қоралайдилар. АҚШнинг бундай қуролли агрессияси Шарқи Жанубий Осиёда хатарли вазият вужудга келтирмоқда, халқаро кескинликни кучайтирмоқда.

Совет ва Миср халқлари Ангола, Мозамбик «Португалия» Гвинеяси ва Африкадаги бошқа территориялар халқларининг мустамлакачиликдан халос бўлиш учун, ўз озодлиги учун олиб бораётган курашини тамомила қўллаб-қувватлашини билдиради. Томонлар Жанубий Африкада ва Родезияда ўтказилаётган ирқчилик сиёсатига лаънатлар ўқийдилар ва ирқчилик режимига мадад бериб турган барча мамлакатлардан Жанубий Родезияга ва Жанубий Африка Республикасига ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ёрдам кўрсатишини тўхтатишни ва шу масала юзасидан БМТ қарорларини бажаришни қаттиқ талаб қиладилар. Музокаралар вақтида Африка бирлиги ташкилотининг катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси яқин тинчликни таъминлаш масалаларини муҳокама қилаётган вақтда қуролсизланиш ва зўр бериб қуролланиш пойгасини тўхтатиш проблемасини қараб чиқдилар. Улар яқин ва тўла қуролсизланиш тўғрисида тезроқ бир битимга келишдан манфаатдор эканликларини яна бир марта таъкидлаб ўтдилар. Томонлар БМТ Бош Ассамблеясининг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани маъқуллаганлиги муносабати билан чуқур мамнуният изҳор этдилар. Томонлар ҳисоблайдиларки, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш юзасидан СССР ҳукуматининг яқинда эълон қилинган меморандумида кўрсатиб ўтилган кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисидаги масала бўйича совет ҳукуматининг янги таклифлари муҳим конструктив ташаббусдир.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси Европадаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олиб, Европа қитъасида иккинчи жаҳон уруши сарқитларини тугатиш ва Европа хавфсизлигини таъминлаш ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлишига амин эканликларини билдирдилар.

Ахборотда музокаралар вақтида Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинганлиги айтилади. Ҳар икки томон ҳар иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда дўстона ҳамкорлик ривожланаётганлигидан ғоят мамнун эканликларини билдирдилар, шунингдек шу ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан тегишли бир қанча амалий тадбирларни қараб чиқдилар.

Ҳар икки томон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Бирлашган Араб Республикаси Араб Социалистик Иттифоқи ўртасида дўстона алоқалар қарор топганлиги ва ривожланаётганлигини табриклайдилар.

Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати БАРнинг экономикасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда Миср халқига катта ёрдам ва мадад бераётганликлари учун Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилди.

БАР президенти Носир Москвада бўлган вақтда ўтказилган учрашувлар ва суҳбатлар, дейилади ахборотнинг охирида, Совет Иттифоқи билан БАР ўртасида қарор топган дўстона муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашишда янги муҳим даврдир. БАР билан СССР ўртасида дўстона муносабатлар ҳар икки томоннинг ўзаро ишончи мустаҳкам негизига асосланади. (ТАСС).

Тошкентдаги офсет босма фабрикаси коллективи янги ўқув йилига кўплаб дарсликлар нашр этмоқда. Суратда: брошюра-муқова цехининг контролерларидан Т. Саломатова ва А. Колесникова янги «Алифбе»ни кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

☆ Наманган шойи тўқиш фабрикаси Франциянинг савдо фирмалари учун хонатлас ва беқасам тайёрлашга киришди. Шунга қадар Франциянинг газлама гули музейига тўрт хил хонатлас, шу жумладан «Наманган гули» ва «Хосиятхон» атласлари юборилган эди. Афтидан, ўзбек атласлари Франциянинг мода яратувчилари таъбига ёқиб қолган кўринади.

☆ Тошкентдаги «Узбекхлопкомаш» заводи Болгариянинг «тестилни влакна» фирмасидан буюртма олди. Бу фирма республикамиздан биринчи марта 16 та «ОХП-3» установкасини харид қилди. Бу установка машинада терилган пахтани тозалаб беради.

«Тестилни влакна» фирмаси харид қилган совет техникаси ўтган йили республикамизга келиб, ўзбек ҳамкасбларининг машинада терилган пахтани тозалаш тажрибаси билан танишиб кетган болгар мутахассисларининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

☆ Қаршида комсомолнинг шоншуҳрат ёдгорлигини қуриш лойиҳаси тасдиқланди. Бу ёдгорлик шу йил ВЛКСМнинг 50 йиллиги шарафига область маданият ва истироҳат боғининг марказида ўрнатилади. Қашқадарё комсомоллари ёдгорликни қуришга кетадиган маблағларни ўз кучлари билан тўплашга қарор бердилар. Бу маблағлар темир-терсак ва макулатура тўплаш, хом ашё ва материалларни тежаб сарфлаш, ишлаб чиқаришни рационализация қилиш ҳисобига жамғарилади.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ВА БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИ

ЯХШИ ДАМ ОЛИШ— УНУМЛИ ИШ!

Кўп қаватли уй-жойлар, бирбирига улашиб кетган асфальт кўчалар билан борар экамиз, ишчилар шаҳарчасининг қоқ ўртасидаги баланд бино кўзга ташланди. Унинг қаршисида кенг майдон, атрофлари гулзор. Бино пештоқига катта ҳарфлар билан: «Химиклар маданият саройига марҳамат!» деб ёзиб қўйилган.

Беш кун ишлаб, икки кун дам олишдан иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан ишчилар маданият саройи янада ободонлаштирилган, суперфосфат заводи ишчи-хизматчиларининг мириқиб ҳордиқ чиқарадиган севимли жойига айлантирилган. Шанба ва якшанба кунларида маданият саройи тағин ҳам гавжум бўлади.

— Завод партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан фикрлашиб, — деди маданият саройининг директори Геннадий Кириллович, — ҳамма турдаги оммавий кечаларни шанба, якшанба кунларига кўчирдик. Шу кунларда кўрсатиладиган киносеанслар сонини кўпайтирдик. Ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини кучайтирдик. Лекциялар уюштириш, савол-жавоб кечалари ташкил этиш тадбирларини бамаслаҳат тузиб чиқдик. Булардан ҳамма цех бошлиқларини, смена мастерларини, бутун ишчиларни хабардор қилдик.

Маданият саройи қошида турли тўгараклар очилган. Тўрт синфли музика мактабига химикларнинг юзлаб ўғил-қизлари тортилган. 20 кишилик ўзбек чолғу асбоблари ва 25 кишилик духовой оркестр тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Халқ театри ташкил топиб, унинг атрофига ишчи-хизматчилар ва мактаб ўқувчиларидан 35 ҳаваскор тортилган. Ўтган йили Бутуниттифоқ ҳаваскорлар кўригида учинчи ўринни олган ва кўрик комиссиясининг учинчи даражали дипломи билан мукофотланган халқ театрининг ижодий коллективи ишчиларга катта программада концерт кўрсатади, саҳна асарлари қўйиб беради. Бундан ташқари уч сеанс кинофильмлар намойиш қилинади. Шу йилнинг ўтган беш ойида эллик мингдан ошиқ киши кинофильмлар кўрди. Ҳар йили ҳар бир киши ўрта ҳисобда 47 мартадан кинофильм кўряпти. Бошқа шаҳарлардан келган санъаткорлар ҳам маданият саройида концертлар бериб, бу ердаги санъат шинавандаларини хурсанд қилмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам маданият саройи шинам қилиб безатилган. Алоҳида дам олиш, шахмат-шашка, биллиард ўйнаш хоналари бор. Болалар ва катталар кутубхоналари мавжуд. Кинофильм ёки концерт бошлангунча, дам олувчилар фойедаги столлар атрофларида ўтириб, янги газета-журналларни ўқишлари, дамино шахмат-шашка ўйнашлари мумкин.

Директор Г. К. Синтонов завод партия, комсомол касаба союз ташкилотлари ҳамда посёлка Советининг доимий комиссияси ҳамкорлигида олиб борилаётган бошқа ишлар билан батафсил таништирди. Бу ёрда ҳар ҳафтанинг шанба кунлари халқаро аҳвол, дўстлик, ишлаб чиқаришга доир темаларда лекциялар ўқиш одат тусига кириб қолган. Лекциялар ўқишга завод инженер-техниклари, «Билим» жамияти аъзолари жалб этилган. Суҳбат охирида директор Г. К. Синтонов маданият саройи ёнида ёзлик клуб қурилганлигини, янгидан дам олиш уйи ташкил қилинганлигини айтди.

— Дам олиш уйи қаерда, бу жойдан олис эмасми? — сўрадик ундан.

— Посёлкамизга туташ, мана шу кўриниб турган дарахтзорда.

Геннадий Кириллович билан дам олиш уйига қараб юрдик. Ишчилар посёлкасидан Дарғом канали бўйлаб кафтдек текис асфальт йўл. Икки томони дарахтзор. Бир оз юргач, сердарахт, соя-салқин, баҳаво дам олиш уйига етдик. Жуда ҳам хушманзара жой. Канал суви бўғилиб, анча юқори кўтарилган, сув қалқиб, секин оқиб турибди. Дам олиш уйида ҳордиқ чиқариш учун ҳамма нарса муҳайё. Канал бўйлаб бир неча павильонлар, чодирлар ўрнатилган. Ошхона, буфет ишлайди. Сувда чўмилиш учун шароитлар яратилган, сузиш асбоблари кўп. Биз дам олиш уйида бир тўда кишиларни учратиб қолдик. Булар заводнинг олтин гугурт кислотаси цехи ишчилари экан. Аппаратчи Н. Тошев, лаборантка Д. Муҳаммадиева, В. Березовский ўртоқлар сменалари билан дам олаётган эканлар.

— Мана шу жойда яхши дам олиб, куч тўплаб, яна сменамизга бориб, унумли ишлаяпмиз, — деди аппаратчи йигит Неъматулла Тошев.

Ҳар шанба ва якшанба кунлари барча хизматчилар, инженер-техник ходимлар, кўпчилик смена ишчилари дам олиш уйига борадилар. Шу кунлари қўшимча ошхоналар, буфетлар чиқарилади. Кўпчилик ишчилар оилалари билан дам оладилар. Ишчи-хизматчилар коллективи бўлиб посёлка территориясидан оқиб ўтадиган Дарғом канали бўйларидаги соя-салқин жойларда бўладилар. Дам олишни кўнгилли, мазмунли ўтказадилар.

Самарқанд суперфосфат заводининг ишчилари, инженер-техниклари, хизматчилари ана шундай яхши дам олиб, ҳордиқ чиқариб, унумли ишламоқдалар. Заводнинг кўпчилик цехлари, сменалари топшириқни ошиғи билан бажармоқдалар. Апрель ойида пландаги 30620 тонна ўрнига 31275 тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилганди. Май ойи топшириғи ҳам анча орттириб адо этилди. Коллектив беш ой давомида планга қўшимча колхоз ва совхозларга 6000 тоннадан кўпроқ фосфорли ўғит етказиб бердилар.

— Беш кун ишлаб, икки кун дам олиш, — деди завод партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Тўхтаҳўжаев, — меҳнат унумдорлигини тубдан яхшилади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта имконият очиб берди. Биз ўтган йил апрель ойидан бери меҳнатни илмий асосда ташкил қилиб, кўп миқдорда фойда кўрмоқдамиз. Иш вақтидан фойдаланишда самарали натижаларга эришмоқдамиз.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Бу йилнинг энг катта спорт мусобақаларидан бири бўлган Ўзбекистон шаҳарлари IV спартакиадаси бир неча ҳафта давом этди. Республикамизнинг 29 шаҳар командаси иштирокида ўтказилган беллашувлар ниҳоясига етди.

29 шаҳар командаси тўрт группага бўлиниб беллашди. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи группа қатнашчилари келиси гал кучли биринчи группада беллашиш ҳуқуқини берадиган йўлланма учун курашдилар. Айниқса иккинчи группа қатнашчилари — Чирчиқ, Наманган, Навоий, Қўқон ва бошқа шаҳар спортчилари мусобақалари кескин ва қизиқарли ўтди.

Пойтахт спорт базалари бир неча кун Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро ва Тошкент спортчилари ихтиёрида бўлди. Биринчи группа қатнашчилари енгил атлетика, оғир атлетика, баскетбол, волейбол, спорт гимнастикаси, сузиш, қиличбозлик, эркин ва классик кураш, шахмат, велоспорт турлари бўйича чемпионлик унвони учун куч синашдилар. Гимнастикачилар, сузувчилар мусобақалари жуда шиддатли ўтди. Юрий Ковалев билан Виктор Черепанов ғолиб келди. СССР спорт мастери норматларини бажарди. В. Беляев эса 200 метр масофани эркин усулда 2 минут 11,5 секундда ўзиб ўтиб, республика рекордини янгилади.

Пойтахт атлетикачиларидан ишқибозлар Америк[illegible] юксак натижалар кутишмоқда. Афсуски кутилгандек [illegible]ринчи [illegible]н. Р. Аванесов, В. Сичев, Америкаческиларнинг ғолиб келиб, [illegible]нгилликда чемпиони бўлдилар. [illegible]тузган; улар кўрсатган натижа [illegible]берг[illegible]рок миқёсидаги кўрсаткичсо[illegible]дан паст бўлди. [illegible]гир вазнда етук штангачилар [illegible]0 килограммлик маррани забт этишга тайёргарлик кўраётган пайтда олмалиқлик К. Манушев ва фарғоналик В. Зарембалар бор-йўғи 440 килограмм натижа кўрсатдилар.

IV шаҳарлар спартакиадаси тугади. Кучлилар группасида 87,5 очко тўплаган Тошкентнинг биринчи командаси ғолиб келди. Пойтахтнинг иккинчи командаси пешқадамдан 12 очко кам тўплади. Самарқандликлар учинчи ўринни олди. Кейинги ўринлар қуйидаги тартиб билан тақсимланди: Фарғона, Андижон, Бухоро.

БУГУН НАВБАТДАГИ ТУР

Бугун «А» класси иккинчи лиганинг тўртинчи группа қатнашчилари ўртасида навбатдаги футбол мусобақалари бўлади. Олий лиганинг биринчи марта беллашаётган Навоийнинг «Зарафшон» [illegible]олитотдел» колхози [illegible]ларини қабул қилади. [illegible]нон» (Фарғона) Барнаулда [illegible] билан учрашади. Группа [illegible]ами — Омскнинг «Иртиш» [illegible]ви Красноярскийнинг [illegible]» командаси меҳмони бўлади.

Ш. АКБАРОВ.

Қаҳрамон ўқитувчиларимиз

НУР ЧАШМАСИ

Мактаб ҳовлисидан болаларнинг қувноқ кулгиси эшитилади. Ҳамманинг дилида ҳам, тилида ҳам биринчи сентябрь шодиёнаси. Ёш ўқитувчи Оқилхон ҳам беҳад шод. Бироқ уни бу шарафли касбни ўддалай олармиканман, деган ўй қийнайди. Бу ҳол Оқилхон аканинг ўзи мустақил ўқитувчилик қила бошлаган йилнинг биринчи сентябрида бўлган эди.

Орадан эллик бир йил ўтди. Бу давр ичида мактаблар фаолиятида ҳам, ўқитувчининг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. У тинмай ўқиди, ўрганди, илғор тажрибаларни амалда татбиқ этди. Ҳозир Оқилхон акани танимайдиган, у кўзини очган биринчи нур чашмаси — «Алифбе»ни ўқиб, саводини чиқармаган биронта ҳам зиёли тополмаса керак. Устознинг толмас қўллари, ақл чироғи билан битилган бу мўъжатабар дарслик ҳар бир кишини келажакда янгилик яратишга етаклайди.

1898 йил Октябрь районидаги Маориф маҳалласида туғилган Оқилхон ака аввал эски мактабда, сўнгра эса совет мактабида таълим олди. У жуда ёшлигиданоқ ана шу қийин, аммо завқли касбга меҳр қўйди. Интилганга толе ёр деганларидек, ўз орзусига етиш ниятида тинмай изланди, ўрганди, неча-неча тунларни бедор ўтказди.

Бугун унинг номи ҳамманинг дилида, бугун уни ҳамма муборакбод этяпти. Бир вақтлар «мендан ўқитувчи чиқадими, йўқми» деб юрган Оқилхон ака бугун ўз тажрибаларини кўплаб шогирдларига ўргатяпти. Уни бир кўришга, тажрибаларини ўрганишга, ширин суҳбатидан баҳраманд бўлишга, кўплар орзуманд.

Эски Жўвадаги Аброр Ҳидоятов номли 14- мактабга шу кунларда келувчиларнинг кети узилмайди. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг устозлари, бугун эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Оқилхон Шарофиддиновни муборакбод этгани шошилишяпти.

Оқилхон аканинг шогирдлари, шу мактабнинг директори Абдураҳим Исҳоқов, ўқитувчилар Иногом Раҳимбоев, Нафисахон Аъзамова, Муҳиддин Набиҳонов, Убай Шарипов ўртоқлар билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Устоз ҳақида, унинг одамийлиги, меҳрибонлиги, камтарлиги ҳақида ҳар бири ҳам тўлқинланиб-тўлқинланиб ҳикоя қилади. Абдураҳим ака бизни бир хонага бошлади.

— Бу хонани музей десаммикан ёки кўргазма зали десаммикан, — деди у кулиб. Катта, ёруғ, озода бу хонада Оқилхон аканинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи ҳамма нарса муҳайё. Стол устида Оқилхон аканинг табаррук қўллари билан битилган бошланғич синфлар учун ёзилган бир қанча дарслик ва методик қўлланмалар бор. Улар ҳаммамизга маълум «Алифбе», «Ўқиш китоби», «Катталар алифбеси», «Чиройли ёзув», «Алифбе методикаси» ва бошқалар. «Алифбе»дек дарсликни яратиш осон иш эмаслигини ҳамма билади. Бу китобни ҳурматли отахон ўзининг жуда кўп йиллик иш тажрибаси асосида яратган. Шунинг учун ҳам бу дарслик ҳозиргача 31 марта нашр этилди. Ҳар сатри шогирдларининг меҳри билан суғорилган юзлаб хат ва телеграммалар ҳам шу хонадан жой олган. Уларнинг адреслари ҳам, мазмуни ҳам ранг-баранг. Бирида устоздан маслаҳат сўралса, иккинчисида эса дилдан табрик...

— Бу хонани яқиндагина ташкил этдик, — дейди директор, чунки устоз педагогнинг тажрибалари билан танишгани, у киши билан суҳбатлашгани, ўзаро фикр алмашгани кўпгина ёш ўқитувчилар келиб туришади. Айниқса Оқилхон ака Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлганларидан бери келувчилар яна кўпайди. Улар мана шу махсус хонада бемалол суҳбатлашаверишади.

Бошланғич таълим устаси, ёш педагогларнинг отахони Оқилхон ака Шарофиддинов уста педагог бўлиш билан бирга актив жамоатчи ҳамдир. У 1926 йилдан то ҳозиргача Октябрь район халқ маорифи бўлими қошидаги биринчи синф ўқитувчилари секциясининг раҳбари, шаҳардаги кўпгина мактаблар ёш ўқитувчиларининг маслаҳатчиси.

Оқилхон ака 51 йилдан бери фақат биринчи синфларни ўқитади. Оқилхон аканинг синфида икки йил қолувчилар, ёки паст баҳо билан ўқувчилар бўлмайди. У ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ болалар юрагига йўл топади. Айниқса ота-оналар, жамоатчилик билан бамаслаҳат иш тутади. Шунинг учун ҳам унинг ўқувчилари доимо яхши ва аъло баҳолар билан ўқишади.

Оқилхон ака Шарофиддиновнинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, актив жамоатчилигини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлаган. Унинг кўкрагини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турибди. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Оқилхон ака бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Халқ маорифи аълочиси, Бутуниттифоқ ўқитувчилари III съезднинг делегати Оқилхон ака Шарофиддинов ҳаётида яқинда бир умр унутилмас воқеа рўй берди. У коммунизм қурилишидаги сермазмун ижоди, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Қаҳрамон ўқитувчига биз ҳам узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

К. ШУКУРОВА.

Суратда: Оқилхон Шарофиддинов оила аъзолари ораси да.

Р. Шамситдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ТРАМВАЙЛАР ЯНГИ ИЗДА

Қайта бунёд этилаётган пойтахтимиз — Тошкент тобора кенгайиб, кўрки очилаётир. Янги-янги массивлар, Тошкент шаҳри картасидан ўрин олаётир. Сергели, Янгиобод, Октябрь массивлари шу-лар жумласидандир. Эндиликда шаҳар аҳолисининг кўпчилиги мана шу янги қад кўтараётган жойларда ишга қатнайдилар.

Аҳолига қулайлик тўғдириш мақсадида автобус маршрутларининг сони 87 тага, троллейбус маршрутлари 12 тага етди. Яқинда 14 километрли масофа бўйлаб ўн бешинчи маршрут бўйича трамвай қатнай бошлади. Шундай қилиб, трамвай йўлининг умумий масофаси 100 километрга етди.

Мана шу кеча-кундузда яна янги трамвай маршрутлари учун кенг изли трамвай йўллари ётқизила бошланди.

Энгельс кўчасидаги 2- маршрут йўли 7, 8, 11-трамвай маршрутлари билан бирлаштирилади. Кўкча — 8- маршрут давомидан Октябрь массивигача, ундан Виставичий — 7- маршрутгача 12 километр масофадаги кенг изли трамвай йўли жадал суръатлар билан қурилаётир.

Паркент кўчасида қатнайдиган 3- маршрутдан Янгиобод массивигача 14 километр масофали кенг изли трамвай йўли ётқизилаётир.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси ва Ўрта Осиё темир йўли қурувчилари бу умумхалқ ишини қисқа муддатда фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилаётирлар.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ҒЎЗАНИ ЯХШИ ОЗИҚЛАНТИРИНГ

Июль ва август — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ойлар ҳисобланади. Ҳозир бутун имкониятлардан фойдаланиб ғўзани озиқлантириш, суғориш ва қатор ораларини ишлашни кучайтириш керак. Ғўзанинг ўсишини, гуллашини, етилишини тезлаштириш ва қўсакларни кўпайтириш учун парваришга зўр бериш талаб этилади.

Тупроқдаги озуқа моддаларини яхши ўзлаштириш ва ғўзанинг ўсишини, серҳосил бўлишини таъминлашга ёрдам берадиган факторлардан бири — микроэлементли ўғитлардир.

Биз бу мақолада марганец ва молибден микроэлементи хусусиятлари ва уларнинг ҳосилга таъсири ҳақида гапирмоқчимиз. Ўсимлик ҳаётида марганецнинг роли жуда катта. У ўсимликнинг нафас олишини тезлаштиради, япроқдаги хлорофилл доначалари миқдорини оширишнатижасида ўсимликда фотосинтез жараёнини тезлаштиради. Марганец ўсимлик хужайраларида физиологик ва биохимик процессларни тезлаштирувчи ферментларнинг активлигини оширади.

Марганец тузлари билан таъминланган ўсимликлар тупроқдаги азот ва фосфорли ўғитларни яхши ўзлаштиради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биология институти томонидан 1960 — 1967 йилларда марганец билан ўтказилган тажрибалар жуда яхши натижалар берди. Агар чигит марганецли тузларда ивитиб экилса, ердан барвақт ва текис униб чиқади, ўсимликда кўсак миқдори 1-1,5 донага ошади, унинг пишиши 5-6 кунга тезлашади, ўсимлик шўрга чидамли бўлади.

1963 — 1965 йилларда Фарғона областининг шўр тупроқли майдонларга жойлашган Қўқон группа районларидаги Охунбобоев номли, Жданов номли, Калинин номли, Киров номли, Ҳамза Ҳакимзода номли совхозларда олиб борган тажрибаларимизда марганец микроэлементи ҳисобига шўр тупроқли ерларда пахта ҳосили гектарига 1,8-3,2 центнер ошганлиги аниқланди. Тошкент областининг Янгийўл районидаги Свердлов номли ва «Ленинизм» колхозларида 1962 — 1967 йилларда чигит марганецли тузларда ивитиб экилганида, ҳосилдорлик 2,5-3 центнер кўпайган.

Бир неча йил ичида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, марганец микроэлементи ёрдами туфайли пахта ҳосилдорлиги кўпайибгина қолмасдан, балки чигитнинг таркибидаги мойнинг миқдори ҳам кўпаяди. Ғўзанинг вилт касаллигига қарши курашда ҳам марганец ва молибден микроэлементларининг роли жуда катта.

Вилтга қарши курашда ғўзани озиқлантириш, айниқса микроэлементли озуқалар бериш жуда катта аҳамиятга эгадир.

СоюзНИХИ, ўсимликлар экспериментал биологияси ва бошқа институтларда олиб борилган тажрибаларга кўра, ғўза шоналаганида, гуллаш даврида, айниқса июль ойида сульфат марганец ёки калий перманганат тузларининг 0,01 процентли эритмаси билан 2 марта барги орқали озиқлантирилса, вилт касаллиги камаяди ва экин тез ривожланади. Ҳосилдорлик эса 10-15 процентгача кўпаяди.

Молибденли микроўғитларнинг ҳам вилтни камайтиришда зарур эканлиги аниқланди. Бунинг учун 0,01 процентли эритма тайёрланади ва ғўза барги орқали озиқлантирилади.

Ўсимликлар учун энг зарур бўлган микроэлементлардан бири — молибдендир. Молибден ферментлар таркибига киради, уларнинг активлигини оширади, ҳаводаги молекуляр азотнинг азотобактериялар қабул қилиши ва нитратлардан оқсиллар синтез қилишида жуда актив иштирок этади. Демак, молибден ёрдамида ўсимликларда шакар ва оқсиллар алмашиниш жараёнлари тезлашади.

Молибден ҳосилдорликни оширибгина қолмай, балки, улардаги оқсиллар миқдорини ҳам кўпайтиради. Академик Я. В. Пейве тажрибасига кўра, уругни экиш олдидан молибденли эритмалар тайёрлаб намлаш ва ўсимликни гуллаш ҳамда ҳосилга кириш вақтида молибденли эритмалар билан барги орқали озиқлантириш яхши самаралар берганлиги аниқланди.

Молибденнинг ғўзага таъсири Ўзбекистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон олимлари томонидан ўрганилди ва яхши натижаларга эришилди. Молибденли эритмада чигит намлаб экилса, уруг текис униб чиқади, ниҳоллар тез ривожланади, ғўзанинг гуллаши ва етилиши ҳам тезлашади.

[illegible]ганец ва молибденли микроўғитларни ишлатиш қийин[illegible]с. Уларни азотли ва фосфорли ўғитлар билан аралаштириб [illegible]ерга солиш мумкин. Бунинг учун бир гектарга кетадиган ўғитга 200 ёки 3[illegible] грамм молибден аммония, ма[illegible]ганец сульфатлари ёки калий перманганат тузларидан би[illegible]шириб ва ўғитга аралаштирилади ва қатор ораларига солинади.

Ғўзани илдизидан ташқари озиқлантириш учун марганец ёки молибден тузларидан 0,[illegible] процентли эритма тайёрланади. Бунинг учун 10 грамм марганец ёки молибден тузини 1[illegible] литр сувда эритиш лозим. Бир гектар ердаги ғўза учун 4[illegible] 500 литр эритма кетади, [illegible] 40-50 грамм марганец ё бўлса молибден тузи ишлатилади. Бунинг учун ОДН машин[illegible]ридан кенг фойдаланиш ле[illegible]

Айниқса кечки ғўзалар микроэлементлар жуда за[illegible] Ғўзага пуркалган микроэлементларни ўсимлик яхши ўзлаштириши учун барги орқали озиқлантириш эрталаб ва [illegible]қурун, яъни, ҳаво салқин[illegible] вақтида ўтказилса, яхши [illegible]ра беражагини унутмаслик[illegible]рак.

Р. РАҲМОНОВ,
Т. ПИРОХУНОВ,
биология фанлари ка[illegible]датлари.

Бешйиллик вахтасида

«Бухоро» [illegible] парвариш[illegible]да кўриб [illegible]ахмуд Ра[illegible]да айниқса [illegible]культивация [illegible]шириб ва [illegible] фотоси.

!

Ҳар [illegible]уқур [illegible]па-[illegible]тинг

[illegible]имага ман[illegible]атлар ўзла[illegible]азифаларни [illegible] бажариб, [illegible]ишга апо[illegible]ар. [illegible]лари ёппа [illegible]осил тугун[illegible]

[illegible]ИМБЕКОВ.

КЕКСА ГАЗЕТА ЮБИЛЕЙИ

АНДИЖОН. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Охунбобоев номли театрнинг ёзги биносида область «Андижанская правда» газетасининг эллик йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни область партия комитетининг секретари М. Муҳитдинов очди. Обкомнинг биринчи секретари Б. Раҳимов газетанинг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Газета меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун ҳукуматнинг олий мукофоти — «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган эди.

Андижон шаҳар партия комитетининг секретари Г. Абдуллаева, область «Коммунист» газетасининг редактори С. Шокаримов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактор ўринбосари Ж. Жабборов, «Правда Востока» газетасининг редактор ўринбосари И. К. Костиков ва бошқа ўртоқлар юбиляр газета коллективини самимий табрикладилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.



ЭБАҚАСИ

[illegible]лаб-қувватладилар. Уларнинг мактублари «Коммунист» ва «Хоразм ҳақиқати» газеталарида эълон қилинди.

Мана, ўшандан бери орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтди. Бизни эллик центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорлари Ў. Нуруллаева Қ. Маматқулова ўртоқларнинг ўз сўзлари билан қандай чиқишаётгани қизиқтирар эди. Шу муносабат билан Избоскандаги Ал Беруний номли колхозда — Қориянхон опа ҳузурида бўлдик.

Қориянхон Маматқулова: Бундоқ қараганда, деҳқончилик жуда осонга ўхшаб кўринади. Аслида эса унинг кўп илгамас «сир»лари, машаққатлари кўп. Ўғилжон Нуруллаева билан бошлаган мусобақамиз ана шу «сир»лари билиб олишга ёрдам беради. Ишни кўпгина босадиган деҳқон учун 50 центнерлик ҳосилни эгаллаш унча қийин эмас. Биз шу йўлдаги маррани кўзлаб ишлаяпмиз. Ҳозирги замиз қийин гулга кирди. Бу гулларни тўла [illegible]лаб қолиш ва тўқ кўсакларга айлантириш [illegible]нёқи билан яшаяпмиз.

[illegible]упроқни юмшоқ саклаш, ғўзани ўт босмаслик, сувсизликдан қийнатмаслик, ҳашаротдан асраш, ҳосил тугунчаларини [illegible]йтириш чораларини кўраяпмиз. Июль ойи [illegible]тадбирлар белгиладик. Мавжуд 80 гектар [illegible]ондa кам деганда икки марта культивация [illegible]зишга қарор қилдик.

[illegible]уни кеча Хоразм билан телефон орқали [illegible]ка боғладик. Ўғилжон Нуруллаева бригадасининг шу кеча-кундузлари ишларини билгичи эдик.

Телефонда Қ. Оллоёров, — Хоразм область. Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг бухгалтери: Ўғилжон Нуруллаева бригадасида аҳвол яхши. Ғўзаси баравж ўсяпти, текис гуллади. Сувдан тоғдиргани йўқ. Умумий ўғит билан озиқлантиришни 20 июлда ўтказдик. «Шарбат» оқизишга зўр берилди. Июль ойида ғўза қатор ораларини иккинчи марта чуқур культивация қилмоқчи.

Икки пахтакорнинг ташаббуси қанот пайдо қилди. Хоразм область Янгиариқ районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Раҳим Отажонов Ўғилжон Нуруллаева таҳсинни маъқуллаб, Андижон область Избоскандаги Ал Беруний номли колхозининг бригадасидан Абдулла Ҳомидов бошлиқ бригадасини [illegible]к центнерчилик ҳаракатига қўшилишга [illegible]ди. М. Ҳомидов бригадаси бу таклифни [illegible]ул қилди. Яқинда Мадраҳим Отажонов Андижонга келиб, мусобақадош М. Ҳомидов бригадаси далаларида бўлди.

[illegible] шу мусобақада совринни ким [illegible]ишлаяпти. Бу саволга галвир сувдан [illegible]жавоб берамиз, албатта.

А. ҚУРОНБОЕВ,
мухбири.

Расмий хабарлар

А. Н. КОСИГИННИНГ ШВЕЦИЯДА БЎЛИШИ

СТОКГОЛЬМ. 11 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Швецияга келган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ҳукумат уйида Швеция Бош министри Таге Эрландер ҳузурида бўлди.

Шу куни А. Н. Косигин Швеция пойтахти чеккаларидан бирига сафар қилди. Акциячи жамият «Альфа — Лаваль» саноат корхонаси шу ерда жойлашган.

Совет ҳукуматининг бошлиғи ва унга ҳамроҳ бўлган расмий кишилар виставка залини, машина лабораториясини кўздан кечирдилар, цехлардан бирида бўлдилар.

СОВЕТ — ШВЕД МУЗОКАРАЛАРИ

СТОКГОЛЬМ, 11 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун бу ердаги ҳукумат уйида СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан Швеция Бош министри Таге Эрландер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Икки томонлама совет—швед муносабатларини янада ривожлантиришга таллуқли баъзи масалалар муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи ва Швецияни ўзаро қизиқтирувчи халқаро аҳволнинг бир қанча актуал масалалари устида ҳам фикрлашиб олинди.

Музокаралар тугаганидан кейин А. Н. Косигин билан Т. Эрландер совет—швед консуллик конвенциясининг тасдиқланишига доир ратификацион ёрлиқларни айирбошлаш тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Музокаралар дўстона вазиятда ўтди.

А. Н. КОСИГИННИНГ «ШВЕЦИЯ — СССР» ЖАМИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

СТОК[illegible] июль. (ТАСС). [illegible]ламай, қалбаки ҳужжат, жамиятлари қалбаки ёзишмаларни [illegible]ниси неча кечириб юрган бир шахсдан [illegible] билан хоналарга кириб ўзини давлат [illegible]ятлар инспекциясининг ходими, [illegible]буфетчи [illegible]га, ресторанларга кириб [illegible] санинспектор деб танитиб, текин [illegible]еб, текин [illegible]ичиб юрарди. Ўйидан Соғ[illegible]ини сақлаш министрлиги номидан т[illegible]ёрланган қалбаки ёзишмалар, таш[illegible]ларнинг думалоқ печати, шта[illegible]суд босилган даста-даста оқ қоғ[illegible]ар ҳам чиқиб қолди. Ана шу [illegible]ртопилмалар орасида ТошМИ[illegible]ни олмаган абитуриентларни Сама[illegible]ан медицина институтига кўчириш [illegible]да министрликнинг кўрсатмал[illegible]пулни мўмай бергаларни Тош[illegible]нинг даволаш факультетига қаб[illegible] қилинганлиги ҳақидаги буйруқлар[illegible]нинг кўчирмалари сингари ҳужжат[illegible]лар ҳам бор.

Ҳа, биз таърифини ҳеч келтир[illegible] олмаётган киши қаллобларнинг қа[illegible]лоби эди. Ўхшатмагунча учратмас[illegible] дейдилар. Текиндан пул топганлар[illegible]нинг бориб-бориб шарманда бўлиш[illegible]лари бежиз эмас. Ҳаммалари бирга[illegible]лашиб, ваҳималар тарқатишган, ҳа[illegible]қиқий муаллимлар, чиканам олим[illegible]лар, бутун бошли институтлар шаъ[illegible]нига ёмон гаплар тарқатганлар ҳам[illegible]мана шу товламачилардир. Пулс[illegible]ниш битмайди, ошна-оғайнисиз [illegible] жойга кириб бўлмайди, деб, ми[illegible]миш қилиб юрганлар ҳам мана ш[illegible]лар.

Инст[illegible]тутларда [illegible]ичиначам [illegible] курслар давом эт[illegible]ти, билими [illegible]ёрларидан пухта бўлган, муюл[illegible] футбол тепиш ўрнига китоб ус[illegible]ўз нурини тўккан, қобилиятли [illegible]ларга институтларнинг дарв[illegible] очиқ.

— Конкурсга мар[illegible]

Катта-кичик товламачила[illegible]нинг ортидан эргашганлар ес[illegible]шиси, охирги сўзни тергов о[illegible]рига бериб, шу билан фель[illegible]ни якунлаб қўя қолмоқчи[illegible]

Худойберди ТУХ[illegible]
Саиднарим САИ[illegible]

ТОШКЕНТДА ФАРҒОНА ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ҒЎЗАЛ ВОДИЙ САНЪАТКОРЛАРИ

Ёз ойи — сафар, гастроллар ойи ҳисобланади. Айниқса, область театрлари учун синов, имтиҳон бўладиган фаслдир. Бу йилги ёзги гастроль мавсумини ғўзал водий — Фарғона область Горький номли музикали драма ва комедия театри санъаткорлари бошлаб беради. Мухбиримиз А. Юсупов театр директори Алижон Умаров билан театрнинг ижодий режалари тўғрисида суҳбатлашди.

● ●

— 15 июлда Тошкентдаги Мукимий номли театрнинг ёзги биносида гастроль томошаларимиз бошланади. 10 кун давомида шаҳар меҳнаткашларига юз кишидан иборат санъаткорларимиз ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Гастроль репертуаримиз рангбаранг қилиб тузилган. 5 спектакль кўрсатилади, ҳамда икки бригададан иборат концерт группаси пойтахт саҳналарида томошалар қўядилар. К. Яшин ва Т. Жалиловларнинг «Нурхон», Собир Абдулла, М. Муҳаммедов ва Т. Жалиловларнинг «Гул ва Наврўз», Алп Жамол, Ғани Жаҳонгиров ва Сайфи Жалилларнинг «Тўлин ой» музикали драмаси, Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим» комедияси, Пиримқул Қодировнинг «Инсоф» драмаси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Муроджон Аҳмедов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Таваккал Қодиров бошчилигидаги концерт группалари шаҳар ва районларда меҳнаткашлар ҳизматида бўладилар.

Театримиз ўз тарихи, анъаналарига эга. 1932 йили ҳаваскорлик коллективларидан ташкил топган бу театрга отаким революционер шоир ва драматург, ўзбек театр санъатининг ташкилотчиси Ҳамзанинг шогирдлари Мамадали Қайдаров, Солижон Аҳмедовлар бошчилик қилдилар. Солижон Аҳмедов, Бобожон Пўлатов, Марфуа Алимова, София Ҳўжаева, Саиджон Калонов, Ғанижон Тошматов каби артист ва созандалар сафи кейинчалик Ҳамза номидаги республика драма театрининг талантли артистлари Маъсума Қориева, Обид Жалилов ва бошқалар ҳисобига мустаҳкамланди.

Театр ўша йиллари «Икки коммунист», «Учар», «Ўртоқлар», «Ендирамиз», «Номус ва муҳаббат», «Гулсара», «Пахта шумғиллари», «Рустам», «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби ўзбек драматургияси ёнинг нодир асарларини саҳнага олиб чиқди. Булардан ташқари театр ижодий коллективи таржима асарларга ҳам алоҳида эътибор берди. С. Поливанов ва Л. Прозоровскийнинг «Сигнал», Б. Лавреневнинг «Синдириш», А. Корнейчукнинг «Платон Кречет», Г. Мдивонининг «Номус» каби асарлари шулар жумласидандир.

Фарғона театрининг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги фаолияти ҳам кўпқиррали ўсиш, камолот сари интилишлар билан характерланади. Бу йилларда театр «Қурбон Умаров», «Қўчқор Турдиев», «Фронт», «Даврон ота», «Қасос» каби актуал мавзудаги жанговар спектакларни саҳналаштирди. Урушдан кейинги йилларда театр репертуари айниқса рангбаранг темалардаги асарлар билан бойиб борди. Маҳалдий авторлар билан бир қаторда қардош совет драматургиясининг энг яхши асарлари ҳам саҳнадан ўрин олди. Эллигинчи ва ундан сўнгги йилларда ижодий коллектив К. Яшининг «Офтобхон», Уйғунниинг «Ҳаёт қўшиғи», Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Ҳамид Ғуломнинг «Фарғона ҳикояси», Душан Файзийнинг «Зарафшон қизи», Жалол Машрабийнинг «Қумрининг муроди», Яҳёхон Маматхоновнинг «Мели ҳоббону Наби товон», Ҳолид Расулнинг «Шоирнинг орзуси», Иззат Султоннинг «Номаълум киши», таржима асарлардан М. Каримнинг «Ой тутилган тунда», Г. Мдивонининг «Е Ватан, ё ўлим», С. Рустамнинг «Турна», Қ. Шангитбоев ва Қ. Бойсеитовнинг «Жон қизлар» каби ўнлаб саҳна асарларини кенг томошабинлар оммасига тақдим этди, эл эътиборини қозонди.

Фарғона театри ўтган 36 йиллик ижодий йўли давомида бир қатор талантли артистларни тарбиялаб, камолга етказди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Яҳёхон Маматхонов, Солижон Аҳмедов, Зунунбек Мадалиев, Муроджон Аҳмедов, Марҳума Ҳафизахон Иброҳимова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Абдураҳим Маткаримов, Саноатхон Саидова, Таваккал Қодиров, талантли артистлар Жалолиддин Охунов, Хурсаной Қозоқова, Фотима Баратова, Юнусжон Орипов, Сорахон Аҳмедова, Маматвали Алиев, Қаноатхон Хатамова, Сабохон Носирова ва қатор бошқалар шулар жумласидандир.

Фарғона театрининг келажак режалари ҳам олдиндан белгилаб қўйилган. Яқин келажакда биз драматург Енгин Мирзоннинг «Иқбол» музикали драмасини ҳамда Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» асарини саҳналаштириш ниятидамиз.

Тошкентдаги гастрол-сафаримиздан умидимиз катта. Ўйлаймизки, сафар томошаларимиз муваффақиятли ўтади, пойтахтлик томошабинларга қўнғилдагидек маданий хизмат кўрсатамиз.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Каттақўрғон ёг-мой комбинатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва машина-ускуналардан самарали фойдаланиш учун кураш кенг қулоч ёймоқда. Мусаддин Пашалевнинг ўзи бир қанча йил ишчи бўлиб меҳнат қилди. Ҳозир бригадир. Ёг қадоқлаш цехидаги механизмларни батартиб ўрнатиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиришга эришди. Наим Раҳимов, Ольга Агапова, Галина Яновлева сингари ўнлаб ишчилар ҳам смена топшириқларини 140-150 процентдан бажаришга муваффақ бўлаётирлар.

Х. САМАДОВ,
Х. САМАДОВА.

●

Тошкентдаги 9-шина ремонт заводи базасида «Узремшина» фирмаси ташкил этилди. Урганч ва Самарқанд шаҳарларидаги шина ремонти корхоналари ҳам шу фирма ихтиёрига ўтди. Республика бўйича ягона фирма тузилганлиги шина ремонти ишларини ихтисослаштириш, саноатнинг бу соҳасида ишлаб чиқаришни тез ва ҳам такомиллаштириш, янги талабларга даражасида ишлаш имконини беради. Фирмада маҳсулот сифатини яхшилаш ва фондлардан самарали фойдаланиш учун дастлабки муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

А. ОБИДХУЖАЕВ.

●

Хоразм областида қишлоқларни посёлка типида барпо этиш учун кураш ҳаракати бошлаб юборилди. Гурлан районида ҳам кўплаб уй-жой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш бинолари қурилаётир. Район колхозларароқ қурилиш бошқармаси учун ишлаб чиқариш базаси тикланди. Базада қоришма-бетон узели, дурадгорлик устахонаси ва бошқа корхоналар мавжуд. Энди Гурланда колхозларароқ қурилиш ишларини яна ҳам тезлаштириш учун янги имконият вужудга келтирилди.

Х. ҚОСИМОВ.

Ибод Бандаев бошчилик қилган ўн иккинчи бригада Самарқанд область, Хатирчи районидаги «[illegible]тия XXII съезди» колхозининг [illegible]ри ҳосилли бригадаларидан [illegible]дир. Шу кунларда бу бригадада [illegible]парвариши кун сайин қизитилмоқда. Суратда: бригада даласида ғўзатор ораларини культивация қ[illegible]ётган пайт.

З. Барноев фот[illegible]

МАШИНАЛАР ША[illegible]

Машина терими — ишни[illegible]унуми. Машинага ихлос қўйган деҳқоннинг юзи ёруғ бўлади. Бу[illegible]дод районидаги «Қизил Узбекистон» колхози пахтакорлари [illegible] машина ихлосмандлари. Улар [illegible]йил 700 гектардан знёд майдо[illegible]даги ҳосилни «зангори кема»лар[illegible] териб олиш учун курашмоқда[illegible]лар.

Колхозда машина теримига т[illegible]ёргарлик ишлари барвақт туг[illegible]ланди. 15 та пахта териш ма[illegible]наси сифатли ремонтдан чиқ[illegible]либ, мавсумга тахт қилиб қўйил[illegible]ди.

Н. РАУФЖОНОВ.

Қадимги юнон файласуфидан «ҳамма учун умумий бўлган нарса нима?» деб сўраганларида, файласуф:

— Орзу! — деб жавоб берган экан. Шу кеча-кундузда ўнинчини битирганлардан «орзунг нима?» деб сўрасангиз, ёппасига:

— Институт... — деб жавоб берса ҳам ажаб эмас. Негаки, ҳаётга йўлланма олган, олаётган йигитдир-қиздир олий маълумотли бўлгиси келади. Аммо, шуниси ҳам сир эмаски, бировининг билими озроқ, бировиники кўпроқ. Бирови шу ўн йиллик фурсатни ўқиш-ўрганиш билан ўтказган, баъзиси пулдор дадасию меҳрибон ойижонининг эркатойи бўлиб ўйин-кулгидан бош кўтармаган. «Папашка омон бўлса, у ёғи бир гап бўлар...» деб муюлишга чиқиб олиб, товонлари ёрилгунча футбол тепаверган.

Институтлар ўқиш истаги бўлганларнинг ҳаммасини ҳам олавермайди, албатта. Билими, лаёқатини синаб кўради, конкурсдан ўтказиб, чертиб-чертиб олади. Баъзан институтлар ҳовлисида елпиниб ўтиргани-нингизда, қабул комиссияси залида иссиқдан димиқиб, очиқ деразага юзингизни тутиб турганингизда кўзлари мўлтиллаб турган йигит-қизларнинг мана бундай таънаю-хасратларини эшитиб қоласиз.

— Бу институтга кириб бўлмайди, оғайни.

— Нега энди?

— Конкурс катта бўлади дейишяпти.

— Катта бўлса яна яхши. Билимимизни синаб кўрамиз.

— Рост, таниш-билиши кўпларнинг конкурси ҳам бўлади...

Баъзан бирор институтга йўлингиз тушиб, ҳужжат топшираётганлар орасида бўлганингизда, консультациядан терлаб-пишиб, арчилган шафтолидек қизариб чиққанлар суҳбатини тинглаганингизда мана бундай ваҳимали гаплар ҳам ора-чора қулоғингизга чалиниб қолади:

— Ишлар чатоқ, ҳамқишлоқ!

— Нимаси чатоқ?

— Бу ерда пул билан иш битармиш.

— Ия[illegible], бу шармандалик-ку!

— Шунақа шармандалар ҳам бор эмиш...

Хўш, бу ваҳимали гапларни ким, лар тарқатяпти ўзи? Қора мўридан қора тутун дейдилар. Институтга ўқиш-ўқитишга мутлақо алоқаси бўлмаган, сувни атайлаб лойлатиб, балиқ овлаш пайидан бўлган тамагирлар тарқатган ваҳима бу. Текиндан пул топиб, қўйнаги жой тополмай юрган «пулдор дада-ю, меҳрибон ойижон»дан чиққан гаплар бу!

Сўнгги йилларда ТошМИ атрофида Акбарали Рустамов деган бир «доцент» ўралашиб қолди. У институтга кирувчиларга ўзини салобатли кўрсатиш умидида лўла болишдек келадиган катта папкани қўлтиқлаб, қора кўзойнак тақиб кеккайиб юрар, атайлаб муаллимларнинг каттаси билан, профессорлар билан саломлашар эди.

— Ҳамма имтиҳон олувчилар каминанинг қўлига қарайди, — деб гап ҳам тарқатиб юборди у.

— Ўх-ўҳ, сиз шунақа кишимисиз? — андак ваҳима андак ҳайқиш билан сўрашди институтга кирувчилар.

— Шунақа, акаси, агар мулла жиринг бўлса, истаган факультетингга кирасан.

— Биз ўз илмимизга таяниб кирмоқчимиз!

— Чучварани хом санабсан, акаси, пулинг бўлмаса бу ерга йўлаб кўрма.

Ана шу гаплардан сўнг биринчи бўлиб оқиқўрғонлик А. Бийзоқовнинг қалбига ваҳима тушди. Ўзиям ишёқмасроқ бир йигитча эди. Унинг ранги-қути ўқдию, ҳалиги одамдан бир амаллаб институтга жойлаб қўйишини сўради.

— Хўш, қанча берасан? — дарров очиқ, савдога ўтди «доцент» ҳам.

— Энди, топганим сизники-да.

Икковлари бир-бирларининг терлаб турган қўлларини қисишиб, чарчагунча бор барака дейишиб узоқ савдолашишди. Ниҳоят, Бийзоқов 600 сўмни топширди-да, «Оббо сиз-ей,» деб қўйди. Рустамов пулни ола туриб:

— Лекин ўзинг ҳам бўш келма! — деб таъкидлади. Бийзоқовнинг пул билан ўтмоқчи бўлганини, институтнинг энг катта корчалонини қўлга олганини эшитиб, Маҳмуд Файзуллаев ҳам типирчилаб қолди. У ҳам топган-тутганини келтириб, Рустамовнинг қўлига топшираверди. Рустамов ҳар гал пулнинг чўғини кўриб:

— Бунинг оз-ку, акаси, деяр эди у. Ниҳоят мўлжалдаги пул чўнтакка тушгач:

— Табриклайман, — деди қувонч билан, — бугундан эътиборан ўзингни ТошМИнинг студенти деб ҳисоблайвер.

Эртасига ўқишга ўтказиб қўйинг деб Рустамовнинг уйига Самад Ғаниев деган тортинчоққина бир йигитча келди. Товламачи билан тортинчоққина йигитча ўртасида, таҳминан, мана бундай суҳбат ҳам бўлиб ўтди:

ТОВЛАМАЧИ — Олти-етти юз сўм га ўрталарингда турмайман, акаси.

ҒАНИЕВ — Нега энди турмас экансиз?

ТОВЛАМАЧИ — Олти-етти юз сўм билан институтга кириб бўлармикан, жуда паст кетяпсизлар.

ҒАНИЕВ — Хўш, қанча берайлик бўлмаса?

ТОВЛАМАЧИ — Минг сўм!

ҒАНИЕВ — Камига бўлмайдими?

ТОВЛАМАЧИ — Бўлмайди, гапнинг ўғил боласи шу.

Худди шу кунн, яъни икковлари ўртасида ана шу суҳбат бўлиб ўтган кунн товламачи Ғаниевдан нақ минг сўмни санаб олди-да, уни ҳам катта муваффақият билан табриклаган бўлди. Кучоқлаб юз кўзларидан ўпиб ҳам қўйди. Суюнбой Эргашев билан қаҳрамонимиз ўртасидаги савдолашиш нақ икки йилга чўзилиб кетди. Суюнбой деганлари ҳам тошдан қаттиқ бир бола экан. «Бор-барака»ни 1966 йилнинг августида 200 сўмдан бошлаб охири 1967 йилнинг августида 650 сўмга етказиб тўхтатди.

— Ортиқ бир тийин ҳам бера олмайман! — деди у уҳ тортиб.

— Ҳамрайонинг Ўришбой Жониқулов 700 сўм берди.

— Инсоф қилинг, жон домла!

Рустамов домла эмас, товламачи, товламачининг ҳам ҳалиги иккиёқ ёрган хилидан экан. Ўзини гоҳ доцент, гоҳ профессорман деб танитиб юрган бу одамнинг илмга, бирон институтга мутлақо алоқаси ҳам йўқ эди. Бир неча йиллардан буён ҳеч ерда иш-

ФЕЛЬЕТОН

ТОВЛАМАЧИ

ЎЗАРО ИШОНЧ АСОСИДА

Бирлашган Араб Республикасининг президенти, Араб Социалистик Иттифоқининг раиси, Жамол Абдил Носир Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 1968 йил 4 июлдан 10 июлгача расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди. Президентга миллат мажлисининг раиси Анвар Садат, Ташқи ишлар министри Маҳмуд Риёд, Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи генерал Абдил Монейм Риод ҳамроҳ бўлиб келишди.

Қўшма ахборотда айтилади-ки, президент Носирнинг Москвага қилган визити СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида қарор топган ва муваффақият билан ривожланаётган мустаҳкам дўстона муносабатларнинг ифодаси бўлди.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир Москвада бўлган вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан суҳбатлашди.

Дўстона ва самимий вазиятда, тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар давомида бир қанча масалалар юзасидан рўй-рост фикрлашиб олинди.

Исроилнинг Араб давлатларига қарши агрессияси муносабати билан Яқин Шарқда вужудга келган аҳволга алоҳида эътибор берилди, дейилади ахборотда. Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб республикаси ҳисоблайдиларки, дейилади шу ҳужжатда, Исроилнинг агрессияси Араб давлатлари тараққиётига путур етказишга, араб халқларининг озодлик курашини тўхтатиб қўйишга интилаётган империализм сиёсатининг умумий занжирида яна бир хатарли бўғин бўлди. Томонлар Исроилдан дунёнинг шу районида ўз қуроли сифатида ҳамон фойдаланиб келаётган, Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Иордания ва бошқа араб мамлакатларига қарши янги фитналар ва узлуксиз игвогарликлар уюштираётган империалистик кучларнинг сиёсатини кескин қоралайдилар.

Томонлар Яқин Шарқ проблемасини Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси асосида ҳал этиш зарурлигини яна бир марта айтадилар. Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати тинчликни тиклаш тўғрисида гамхўрлик қилиб, мазкур резолюцияни энг яқин вақт ичида бажаришга тайёр эканлигини билдирди ва шу мақсадда муҳим амалий чоралар кўрди. Совет ҳукумати Бирлашган Араб Республикасининг шу масаладаги ташаббусига тегишлича баҳо беради ва уни қўллаб-қувватлайди. Томонлар шунга қаттиқ ишонч билдирдиларки, Исроилнинг ва уни қўллаб-қувватлаётган империалистик кучларнинг 1967 йил июнь ойида араб мамлакатларига қилган ёвузларча ҳужуми натижаларини мустаҳкамлаш йўлидаги уринишлари, албатта, барбод бўлади.

БАР президенти, Араб социалистик Иттифоқининг раиси Ж. А. Носир агрессорга қарши курашда ва агрессия етказган зарарни тугатишда Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикасининг экономикасини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий мадад ва катта амалий ёрдам кўрсатаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва совет халқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. БАР ҳукумати Совет ҳукуматининг Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини ва мустақиллигини ҳимоя қилиб, Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлида кўраётган ташқи сиёсий тадбирларини юксак қадрлайди.

Совет томони араб давлатларининг бирлиги учун курашда БАР ҳукуматининг ва шахсан президент Носирнинг саъй-ҳаракатларига юксак баҳо беради. СССР ҳукумати Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатлари халқларининг Исроил агрессорларига қарши олиб бораётган мардонавор кураши билан совет халқининг тўла бирдам эканлигини яна бир марта билдиради. Агрессияга дучор бўлган араб мамлакатла-

Вьетнам Демократик Республикаси. Бутун республика бўйлаб шолининг ёзги ҳосилини ўриб-йиғиб олиш тугалланай деб қолди. Бу сурат Виньфу вилоятидаги Тиенхуонг қишлоқ хўжалик кооперативининг хирмонида олинган. Кооператив деҳқонлари ҳар гектар ердан 6 тоннадан шоли етиштириш учун ҳаракат қилишпти.

ВИА—ТАСС фотоси.

Америка Қўшма Штатлари. Вьетнамдаги шармандали урушга қарши норозилик митинглари ва намойишлари давом этмоқда. Суратда: Лос-Анжелесда урушга қарши норозилик намойиши пайтида. Плакатларга «Вьетнам ветеранлари урушга қаршидирлар» деган сўзлар ёзилган.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

ШАРҲЛИ ХАБАРЛАР

НЕРВ ҲУЖАЙРАСИНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Кучукча бош миясининг катта паллалари пўстлоғининг бир қисми олиб ташланганида у 30 кунлик бўлган эди. Кучукча йил мобайнида нормал ўсиб ривожланди. Шундан кейин унинг бош суяги яна очиб кўрилганида бош миянинг олиб ташланган қисми яна тикланиб қолганлиги аниқланди...

Тажриба икки ҳафталикдан тортиб бир яшаргача бўлган кучукчаларда 150 марта такрорлаб кўрилди. Ҳар сафар натижа боягидай бўлиб чиқаверди. Ҳайвон қанчалик ёш бўлса унинг бош мияси шунчалик муваффақият билан тикланаверди. Бу тикланиш ўрта ҳисобда 35 процентдан 85 процентгача етиб борди.

Грузия телеграф агентлигининг мухбири Юрий Гольдман мана шу тажрибалар ўтказилаётган Тбилиси педагогика институти проблема морфофизиологик лабораториясининг раҳбари доцент И. Непесашвилидан мана шу экспериментлар тафсилотларини айтиб беришини сўради. Олим ҳайвонларнинг миясида кўп бўлган етилмаган резерв ҳужайра материали ҳисобига, шунингдек нерв ҳужайраларининг бўлиниши ва уларнинг бош мия шикаст топган қисми томон жилиши ҳисобига бош миянинг регенерацияси, яъни қайта тикланиши рўй беради, деб ҳисоблайди. Маълум бўлишича, ҳайвонларнинг бош мия ривожланиши кўпгина мутахассисларнинг ўйлашича, туғилиш пайтида эмас, балки орадан тахминан 4 ой ўтгандан кейин тугалланар экан.

—Баъзи олимлар миянинг шикастланган тўқималари чўзилади ва яраникига ўхшаш ямоқ бўлиб қолади, деб уқтирадилар, — деди И. Непесашвили. — Бошқа бир олимлар эса, мия ҳужайраларининг регенерация процесси бўлиши мумкин эмас, бош миянинг бир қисми олиб ташланганидан сўнг бош мия пўстлоғи нуқсонининг камайиши шикаст топмаган участкаларда мия тўқимаси оқиб келиш ҳисобига бўлади, деб ҳисоблашмоқдалар. Биз лабораториямизда шикастланган ва соғлом катта паллаларнинг турли жойларида бош мия пўстлоғида бўлган нейронлар сонини ҳисоблаб чиқдик. Башарти, бош мия тўқимаси ҳақиқатда ҳам оқиб ўтадиган бўлса, миянинг қўшни участкаларида, шунингдек мия тикланаётган жойда нерв ҳужайраларининг сийракланиши кузатилган бўларди. Биз бироннга ҳолда ҳам шундай бўлганлигини тополмадик.

Регенерация процессини тасдиқламоқ учун тажриба қилинаётган ҳайвонлар миясида майдонларининг цитоархитектоник карталари тузиб чиқилди. Биз шу карталарни шикаст топмаган бош мия палласи картаси билан таққослаб, дефект майдонининг қичрайиши янгитдан ҳосил бўлаётган пўстлоқ ҳисобига рўй беришини аниқладик.

Тажрибалар давом эттирилмоқда. Ҳал этилиши талаб қилинаётган масалалар ҳали оз эмас. Бизни, масалан, бош миянинг тикланиш процессини тезлаштириш мумкин ёки мумкин эмаслиги, болаларда етилмаган нерв ҳужайралари резерви бор ёки йўқлиги масалалари жуда қизиқтиради. Агар шундай резерв бўлса, медиклар шикастланган мияни даволашда янги имкониятларга эга бўладилар.

СОЦИАЛИЗМ мамлакатларида

● ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

ПРАГА. Чехословакиянинг ҳаво йўллари Европада энг катта авиация транспорт йўлларидан бири. Унинг халқаро алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда. Чехословакия граждан авиацияси хизматидан фойдаланаётган пассажирлар сони кўпаймоқда.

Ҳозирги вақтда Чехословакия самолётлари Прагани чет мамлакатларнинг 49 шаҳри билан боғлаб турган 25 та халқаро ҳаво линияларида қатнамоқда. Чехословакия ҳаво трассаларининг умумий масофаси 125 минг километрга етди. Чехословакия граждан авиацияси самолётлари ҳар йили қарийб 1,5 миллион пассажир ташийди.

● МОНГОЛИЯ ПОЙТАХТИ АҲОЛИСИ УЧУН

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ революциясининг 47 йиллиги арафасида Улан-Баторда Толу дарёси устида автомобиллар қатнайдиган кўприк ва шаҳарнинг аҳоли яшайдиган янги районларидан бирида комплекс ускуналанган маиший хизмат маркази фойдаланишга топширилди.

Бу объектлар Совет Иттифоқи ёрдамида, совет биноқорлари кучи билан қурилди.

● КХДР БИЛАН ВДР ЎРТАСИДА БИТИМ

ПХЕНЬЯН. Бу ерда Корея Халқ Демократик Республикаси билан Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматларининг иқтисодий делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Корея Халқ Демократик Республикаси томони текин ҳарбий ва иқтисодий ёрдам бериш тўғрисида, 1969 йилда товар айирбошлаш ва тўловлар тўғрисида, КХДР ва ВДР ҳукуматлари ўртасида битимлар имзоланди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари Х. ЁДГОРОВ.

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Бу йилнинг энг катта спорт мусобақаларидан бири бўлган Ўзбекистон шаҳарлари IV спартакиадаси бир неча ҳафта давом этди. Республикамизнинг 29 шаҳар командаси иштирокида ўтказилган беллашувлар ниҳоясига етди.

29 шаҳар командаси тўрт группага бўлиниб беллашди. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи группа қатнашчилари келаси гал кучли биринчи группада беллашиш ҳуқуқини берадиган йўлланма учун курашдилар. Айниқса иккинчи группа қатнашчилари — Чирчиқ, Наманган, Навоий, Қўқон ва бошқа шаҳар спортчилари мусобақаларни кескин ва қизиқарли ўтди.

Пойтахт спорт базалари бир неча кун Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро ва Тошкент спортчилари ихтиёрида бўлди. Биринчи группа қатнашчилари енгил атлетика, оғир атлетика, баскетбол, волейбол, спорт гимнастикаси, сузиш, қиличбозлик, эркин ва классик кураш, [illegible] ат, велоспорт турлари [illegible] ўз ишига қайтиб [illegible] Гимнастикиларди. [illegible] (ТАСС.

НУР

Мактаб ҳовлисидан болаларнинг қувноқ кулгиси эшитилади. Ҳамманинг дилида ҳам, тилида ҳам биринчи сентябрь шодиёнаси. Ёш ўқитувчи Оқилхон ҳам беҳад шод. Бироқ уни бу шарафли касбни уддалай олармиканман, деган ўй қийнайди. Бу ҳол Оқилхон аканинг ўзи мустақил ўқитувчилик қила бошлаган йилнинг биринчи сентябрида бўлган эди.

Орадан эллик бир йил ўтди. Бу давр ичида мактаблар фаолиятида ҳам, ўқитувчининг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. У тинмай ўқиди, ўрганди, илғор тажрибаларни амалда татбиқ этди. Ҳозир Оқилхонга билан ўраб олинган аканинг таниймайдиган [illegible] ҳам алоҳида хонага ўтказиб очган биринчи нур чиқ[illegible] қўйилади.

ЧТК АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ПРАГА, 10 июль. (ТАСС). ЧТК агентлигининг хабар беришича, кеча Братиславада узганинг юраги ҳаракатсиз ўтказилган бемор Хорватова бугун эрталаб вафот этган.

ОККУПАЦИЯЧИЛАР ТАЛАФОТ БЕРМОҚДА

БАЙРУТ, 9 июль. (ТАСС). Исроил [illegible] купация қилиб олган Ғазо [illegible] территорияда ва Иордан дарёси [illegible] сида араб партизанлари томонидан [illegible] ган ойда ўтказилган ўн битта операция натижасида Исроил солдатларидан 150 киши ўлдирилган ва 188 киши жароҳатлантирилган. Бу маълумотлар фаластинликларнинг «миллий озодлик» ташкилоти томонидан бу ерда эълон қилинган ахборотда келтирилади.

Араб партизанлари Исроилнинг анча миқдордаги ҳарбий техникасини, шу жумладан, 21 та бронемашинани, битта бронетранспортерни яксон қилганлар, Исроилнинг мустаҳкамланган икки лагерига ўт қўйганлар.

АЖОЙИБОТЛАР

ЕР ОСТИДА... ГУЛЗОР

ХОЗИРГИ замон шаҳарларида бўш жой йўқ. Кўп қаватли уйлар, ошхона ва йўллар, маъмурий бинолар бутун майдонни эгаллаган. Япония дунёда биринчи бўлиб шаҳар остидаги ерларни «ишгол» этишга киришди. Мамлакатнинг 25 та йирик шаҳрида савдо марказлари, ресторан, банка, кинотеатр ва бошқа бинолар ер остида қурилди. У ерга тушадиган лифтлар, эскалаторлар бор. Ер ости шаҳрининг ҳавоси кондиционер иштирилган бўлиб, у ер устидаги шаҳарнинг ҳавосидан тозароқдир. Йўлларда, биноларнинг тротуарларида гуллар жуда кўп. Айниқса Кобе шаҳрининг чаманзорлари кишини мафтун этади. Бу ерости шаҳрига ҳар куни ярим миллион киши кириб чиқади.

ОСЬМИНОГ «ҚУРОЛИ»

ДЕНГИЗ сувларида яшайдиган каракатица ва осьминоглар бирор хавф туғилган пайтда ўзидан қора суюқлик тарқатади. Бу суюқлик сув билан аралашиб кетиб, осьминогни хавфдан қутқариб қолади. Нунки унинг нушандаси қора рангга бўялган сув орасидан осьминогни тополмайди. Каракатица 5 секунд ичида 6 минг литр суюқлик сигадиган бандаги сувни қора рангга бўяб, «сиёҳ» қилиб қўйиши мумкин. Улкан кальмарлар эса бундан ҳам кўпроқ сувни жуда қисқа вақт ичида «сиёҳ»га айлантиришади.

АЗОВ ДЕНГИЗИНИНГ СИРИ

ЯҚИН вақтларгача геологлар Азов денгизининг сирини ўргана олмаган эдилар. Украина Фанлар академиясининг геология институти тадқиқотчилари денгиз остида қидирув ишлари олиб бордилар. Янги аппаратлар ёрдамида қудуқлар казилиб, денгиз остидаги қатламлар ўрганилди. Натижада, бундан юз минг йиллар аввал Азов денгизи ўрнида чучук сувли кўл бўлганлиги аниқланди. Денгиз остидаги 40 метр қалинликдаги темир рудасининг қатламлари ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ф. Содиқов ва С. Калонов асарлари, 9.30 — Халқ куйлари, 9.50 — «Дунё бир ҳафта ичида» (тожикча), 11.15 — «Халқ контроли амалда» (русча), 11.25 — М. Ашрафий. «Темир Малик» симфоник поэмаси, 12.15 — «Замондошларимиз», 13.30 — А. Бабажанянинг эстрада куйлари, 16.10 — Ишлар учун музикали соат, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00—Концерт (татарча), 18.00 — «Турмушимиздаги янги анъаналар», 18.10 — Балетлардан парчалар, 19.20 — Ўзбек Давлат филармониясининг артистларининг концерти, 20.00 — «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали (русча), 20.30 — Концерт, (русча), 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Кечки концерт, 22.20 — Севги қўшиқлари, 22.40—«Нодир ёзувлар». Г. Ғулом. «Афанди ўлмайдиган бўлди», 23.15—Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.15 — **Қизил елканлар** (ўсмирлар учун), 18.55 — **«Октябрь» программаси.** Ф. Хўжаев, 19.15 — **Музикали календарь**, 19.55 — **Реклама ва эълонлар**, 20.00 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.05 — **Телеянгиликлар**, 20.20 — **Устоз ва муроббий**, 20.50 — **«Нозиҳ ъмат бунёдкори»** (сабзавотчилар учун), 21.30 — **Агар уйинг азиз бўлса** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Олий ўқув юртига кирувчилар учун математикадан машғулот**, 19.20 — **Физика.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Ажойиб ўйинчоқлар** (болалар учун), 20.20 — **Яшнаётган Ўзбекистон** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 20.50 — **Коммунист минбари**, 21.10 — **Д. Чимароза. «Маэстро» фильм-операси**, 21.35 — **Капитан қизи** (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12|VII да **Бағри тош**, 13|VII да **Махтумқули.**

КИНО

Ер эгаси — «ДРУЖБА» (1 залда, тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳиндлар суянчиғи — «ДРУЖБА» (2-залда, жуфт соатларда), «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Уста—жаллод—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Сангам — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Қаттиқ ёнғоқ — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН НОМЛИ, НАВОИЙ НОМЛИ.

Килиманжаро қори — «ХИВА».

«Ўзбекбирлашув»нинг

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

1968-1969 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 30 ёшгача бўлган, 8 ва 10, 11-синф ҳажмида маълумотли, қишлоқ жойларида яшовчи ҳар икки жинсдаги СССР гражданлари қабул қилинади.

Товаршунослик бўлими — қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди:

саноат ва озиқ-овқат моллари бўйича, ўқиш муддати 1 йилу, 10 ой бўлиб, 10, 11-синф маълумоти борлар қабул қилинади; саноат моллари савдосини ташкил этувчи товаршунослар; озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этувчи товаршунослар—ўқиш муддати 2 йилу 10 ой бўлиб, 8 синф маълумоти борлар қабул қилинади.

ТЕХНОЛОГИЯ БЎЛИМИ:

озиқ-овқат тайёрлаш технологияси бўйича: нон пиширишнинг технологияси бўйича. Ҳар иккала бўлимда ўқиш муддати 2 йилу 6 ой бўлиб 10, 11-синф маълумоти борлар қабул қилинади.

Планлаштириш бўлими — Совет савдосини планлаштириш бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддати 10, 11-синф маълумоти борлар учун 1 йилу 10 ой, 8 синф маълумоти борлар учун 2 йилу 10 ой.

Бухгалтерлик бўлими—бухгалтерлик ҳисоби бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой бўлиб, 10, 11-синф маълумоти борлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

Товаршунослик ва технология бўлимларига кирувчилар (химиядан ёзаки ва ўзбек ёки рус тили ва адабиётидан диктант ёки иншо), бухгалтерия ёки планлаштириш бўлимларига кирувчилар (математикадан ёзаки ва ўзбек ёки рус тили адабиётидан диктант ёки иншо).

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

директор номига ариза (бўлимини кўрсатиб), маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ёки аттестати, туғилган йили ҳақида гувоҳнома (копияси нотариал тасдиқланган) ёки паспортни шахсан ўзини кўрсатади, таржиман ҳол, 5 та фотосурат (3х4 см катталикда), соғлиги ҳақида справка (форма № 286), ҳарбий хизматга муносабати тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка.

Қабул синовлари 1 августдан бошлаб 20 августгача давом этади.

Бир ойлик стипендия ҳамма бўлим ва курсларда 20 сўм.

Бошқа жойдан келганлар учун ётоқхона ва ошхона бор.

Техникумга қабул қилиниб, сабабсиз 10 сентябргача ўқишга келмаганлар ўқувчилар қаторидан ўчирилади.

Адрес: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43-уй.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

Тошкент шаҳрида 15 июльдан 23 июлгача ўтказиладиган

ГАСТРОЛЛАРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

Муқимий номли театрнинг ёзги биносида

15 июль НУРХОН
16,22 июль ГУЛ ВА НАВРУЗ
17 июль АЯЖОНЛАРИМ
18,21 июль ТУЛИН ОЙ
19 июль ИНСОФ
20,23 июль КОНЦЕРТ

Томошалар кеч соат 8 ярим да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ҚЎҚОН МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1968-69 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-11 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ёшдан 30 ёшгача йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди:

Акушерлар — 2 йилу 6 ой, **медицина ҳамшираси** (умумий ва болалар порофили бўйича) — 2 йил, **фельдшерлар** (фақат ёшлар) — 2 йилу 6 ой, **фельдшер-лаборантлар** — 2 йил, **ёрдамчи дори тайёрловчилар** 2 йил.

Кириш имтиҳонлари: она тили ва адабиёт (ёзма), химия (оғзаки).

Урта мактабни олтин ва кумуш медаль билан битирганлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Аризалар 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача.

Адрес: Қўқон шаҳри, Ленин кўчаси, 39 «а» уй. Телефон № 24-93.

63-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1968-1969 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

дурадгорлар, газ пайвандчилар, электромонтёрлар, сувоқчи ва бўёқчилар, сантехник-слесарлар, монтажчи-пайвандчилар, ғишт терувчилар, арматурачи-бетончилар.

Ўқиш муддати—бир ва икки йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига 4-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15-17 ёшдагилар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар кунига 3 марта иссиқ овқат, кийим билан таъминланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Қурилишларда, ишлаб чиқариш практикасида бўлганда иш ҳақининг 33% ни олади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 26-квартал, Шайхзода кўчаси, 1-уй (26, 27, 32, 54, 59 автобусларнинг 12-квартал бекати).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28, Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323 Масъул секретарь — 834455 Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142 Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б. № — 161. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 08591.